# Ягона ер солиғи

Солиқ Кодексининг 362-моддасига асосан, ***ягона ер солиғини тўловчилар*** қуйидагилардир:

*қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар;*

*қишлоқ хўжалиги йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларининг тажриба-экспериментал хўжаликлари ва таълим муассасаларининг ўқув-тажриба хўжаликлари.*

Қуйидаги шартларга жавоб берадиган юридик шахслар солиқ солиш мақсадида *қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар* жумласига киради:

ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва ўзи етиштирган мазкур маҳсулотни қайта ишлаш ёхуд ер участкаларидан фойдаланган ҳолда фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш асосий фаолият тури бўлган юридик шахслар;

қишлоқ хўжалигини юритиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўзларига белгиланган тартибда берилган ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва ўзи етиштирган мазкур маҳсулотни қайта ишлаш улуши реализация қилиш ёки қайта ишлаш учун олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ўз ичига олувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлаш умумий ҳажмида камида 50 фоизни ташкил этадиган юридик шахслар.

*Қуйидагилар ягона ер солиғини тўловчилар сифатида қаралмайди:*

ўрмон ва овчилик хўжаликлари;

юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари.

Солиқ Кодексининг 363-моддасига асосан, ягона ер солиғини тўлаш тартибини қўллаш учун солиқ тўловчи ҳар йили жорий солиқ даврининг ***1 февралига қадар*** солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ўтган солиқ даврида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлашнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ўзи етиштирган ва қайта ишлаган улуши кўрсатилган ***маълумотномани тақдим этади.***

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлашнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ўзи етиштирган ва қайта ишлаган улушини аниқлашда солиқ Кодекснинг 132-моддасида назарда тутилган бошқа даромадлар ҳисобга олинмайди.

Агар ўтган солиқ даври якунлари бўйича ягона ер солиғи тўловчи солиқ Кодексининг 362-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган шартларга жавоб бермаса, солиқ тўловчи жорий солиқ даврининг бошидан бошлаб умумбелгиланган солиқларни ёки ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиши керак.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар тоифасига кирадиган солиқ тўловчи солиқ Кодексини 362-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган шартларга жавоб бермай қўйган солиқ давридан кейинги йилнинг 1 февралидан кечиктирмай давлат солиқ хизмати органига солиқ солиш тартибини танлаш тўғрисида ёзма билдириш тақдим этади. Солиқ тўловчининг ёзма билдиришни белгиланган муддатда тақдим этмаганлиги унинг умумбелгиланган солиқларни тўлашга розилиги деб ҳисобланади.

Ягона ер солиғини тўлашдан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган солиқ тўловчи ушбу Кодексда назарда тутилган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича у умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган солиқ даврининг биринчи чораги учун жорий тўловларни тўлашдан озод қилинади.

Умумбелгиланган солиқларни ёки ягона солиқ тўловини тўлашга ўтган ягона ер солиғини тўловчи ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган тартибга мувофиқ фақат навбатдаги солиқ даври бошидан бошлаб яна ягона ер солиғини тўлашга ўтишга ҳақлидир.

Солиқ Кодексини 362-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган шартларга жавоб берадиган қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар, шунингдек қишлоқ хўжалиги йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларининг тажриба-экспериментал хўжаликлари ва таълим муассасаларининг ўқув-тажриба хўжаликлари фаолиятнинг ягона ер солиғини тўлаш татбиқ этиладиган қисми бўйича солиқ солишнинг бошқача тартибини танлаш ҳуқуқига эга эмас.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлмаган фаолият турларини амалга оширишда ягона ер солиғи тўловчи мазкур фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиши шарт.

Солиқ Кодексини 350-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ солиқ солиш тартибини танлаш ҳуқуқи сақлаб қолинган микрофирмалар ва кичик корхоналар фаолиятнинг бошқа турлари бўйича корхоналарнинг тегишли тоифалари учун белгиланган ставкалар бўйича ягона солиқ тўлови тўлаши мумкин. Микрофирмалар ва кичик корхоналар тоифасига кирмайдиган солиқ тўловчи умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтиши керак.

Ягона ер солиғини тўловчилар учун солиқ Кодекснинг 132-моддасида назарда тутилган бошқа даромадларга солиқ солинмайди, дивидендлар ва фоизлар, биргаликдаги фаолиятдан олинган даромадлар бундан мустасно.

Биргаликдаги фаолиятдан олинадиган даромадларга ягона ер солиғи тўловчида дивидендларга солиқ солиш учун белгиланган ставкалар бўйича солиқ солинади.

Солиқ Кодексининг 364-моддасига асосан, ер участкалари ижарага (шу жумладан ички хўжалик пудратига) берилганида ягона ер солиғини тўлаш мажбурияти ижарага берувчининг зиммасида сақланиб қолади.

Солиқ Кодексининг 365-моддасига асосан, қонун ҳужжатларига мувофиқ қишлоқ хўжалигини юритиш учун эгалик қилишга, фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкаси ***солиқ солиш объектидир.***

Солиқ Кодексининг 366-моддасига асосан, солиқ солинадиган ер участкаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган норматив қиймати ***солиқ солинадиган базадир.***

Эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи йил мобайнида вужудга келган ер участкалари учун солиқ солинадиган база ер участкаларига бўлган ҳуқуқ вужудга келган ойдан кейинги ойдан бошлаб ҳисоблаб чиқарилади.

Ер участкаси майдони камайтирилган тақдирда, солиқ солинадиган база ер участкаси майдони камайтирилган ойдан бошлаб камайтирилади.

Юридик шахсларда ягона ер солиғи бўйича имтиёзга бўлган ҳуқуқлар вужудга келганда солиқ солинадиган база бу ҳуқуқ вужудга келган ойдан бошлаб камайтирилади.

Ягона ер солиғи бўйича имтиёзга бўлган ҳуқуқ тугатилган тақдирда, солиқ солинадиган база бу ҳуқуқ тугатилган ойдан кейинги ойдан бошлаб кўпайтирилади.

Солиқ Кодексининг 367-моддасига асосан, ***ягона ер солиғини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:***

солиқ Кодексини 362-моддаси иккинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган шартларга мувофиқ келган тақдирда, янги ташкил этилган қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан бошлаб икки йил муддатга.

Мазкур имтиёз тугатилган фермер хўжаликлари базасида ташкил этилган фермер хўжаликларига татбиқ этилмайди;

ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектлари - юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тугатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда ушбу имтиёз қўлланилмайди ҳамда солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

Қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар - ягона ер солиғи тўловчиларга солиқ Кодексини 282-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ер солиғи бўйича имтиёзлар ҳам татбиқ этилади.

Солиқ Кодексининг 369-моддасига асосан, ягона ер солиғи суммаси ер участкаларининг норматив қиймати ва ягона ер солиғининг белгиланган ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

***Ягона ер солиғининг ставкаси,*** Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасининг навбатдаги йилги асосий макроиқтисодий кўрасткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисидаги қарори билан ҳар йили тасдиқланади.

***Ягона ер солиғининг ҳисоб-китоби*** ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига жорий солиқ даврининг ***1 майигача*** тақдим этилади.

Солиқ ҳисоботлари Адлия вазирлигида 2008 йил 21 январь куни 1760-сон билан рўйхатга олиниб "Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори билан ***тасдиқланган шакллар асосида*** тўлдирилади.

Йил давомида берилган ер участкалари учун ягона ер солиғи ер участкаси берилганидан кейинги ойдан бошлаб тўланади.

Ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган) тақдирда, ягона ер солиғини тўлаш ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган) ойдан бошлаб тўхтатилади (камайтирилади).

Ер участкасининг таркиби ва майдони йил давомида ўзгарган, шунингдек ягона ер солиғи бўйича имтиёзларга бўлган ҳуқуқ вужудга келган (тугатилган) тақдирда, солиқ тўловчилар давлат солиқ хизмати органларига ҳисобот йилининг ***1 декабригача*** ягона ер солиғининг аниқлик киритилган ҳисоб-китобини тақдим этишлари шарт.

Ягона ер солиғини ***тўлаш қуйидаги муддатларда*** амалга оширилади:

ҳисобот йилининг 1 июлигача - йиллик солиқ суммасининг ***20 фоизи;***

ҳисобот йилининг 1 сентябригача - йиллик солиқ суммасининг ***30 фоизи;***

ҳисобот йилининг 1 декабригача - ***солиқнинг қолган суммаси.***

***Масалан:*** *"Саҳоват" фермер хўжалигининг 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига жами 234,4 гектар (шундан 321,3 га суғориладиган ва 3,1 га боғ) ер майдони мавжуд бўлиб, унинг ер майдони ҳисобда турган ҳудудда жойлашган ва 1 гектар ер майдонининг норматив қиймати 2182,51 минг сўм.*

Адлия вазирлигида 2011 йилнинг 30 майида 1760-1-сон билан рўйхатга олинган "Ягона ер солиғи бўйича ҳисобот шакллар" асосида:

**1.** Фермер хўжалиги томонидан Солиқ Кодексининг 363-моддасига асосан, ҳисобот шаклига кўра «Ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш тўғрисида маълумот»ни жорий солиқ даври учун 1 февралига қадар тақдим этиши белгиланган бўлиб, фермер хўжалигининг фаолияти фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўлганлиги учун мазкур маълумотнинг 010 ва 020-сатрларига ишлаб чиқарган махсулотлари ҳажмини кўрсатиб, 030-сатрида 100 % кўрсатади.

**2.** Ягона ер солиғи ҳисоб-китоб шаклининг 1-бетидаги корхона тўғрисидаги малумотлар тўлдирилади. Ҳисоб-китоб шаклининг 2-бети Солиқ тўловчининг ер участкалари тўғрисида маълумот шаклининг 010-сатри – Юридик шахс ҳисобда турган ер участкалари жами – 234,4 гектар, шу жумладан 0101-сатрга суғориладиган ер кўрсатилиб, унга 231,3 гектар, 0102-сатрга боғ кўрсатилиб 3,1 гектар қўйилади. Ушбу маълумотнинг 030-сатри – Ер участкаларининг жамига 234,4 гектар қўйилади.

**3.** Жорий солиқ даврининг 1 январдаги ҳолати бўйича ягона ер солиғи ҳисоб-китобини тўлдиришда 010-сатр – Жами ер майдонига 234,1 га, 011-сатр – Экин ерларга 231,3 га, 0111-сатрга 231,1 га, 012-сатр – Боғлар 3,1 га, 0121-сатр – суғориладиган 3,1 га киритилади.

Агар солиқ тўловчининг ягона ер солиғи бўйича имтиёз тадбиқ этиладиган ер майдони бўлса, мазкур ҳисоб-китоб иловасини имтиёзлар Солиқ кодексига ёки норматив-ҳуқуқий хужжатларга асосан - солиқ солинмайдиган ер майдонлари, 1 га учун номатив қиймат ва жами майдон учун норматив қийматлари кўрсатилиб, улар мазкур илованинг 010-сатрида жамланади.

Ушбу жамланган ер майдонлари ва уларнинг норматив қиймати ҳисоб-китобнинг 020-сатри – Жами солиқ солинмайдиган ерларга олиб борилади.

Ҳисоб-китоб шаклининг 030-сатри – Солиқ солинадиган база (010-сатр-020-сатр) 234,4 гектар, 1 гектар ер майдони норматив қиймати 3182,51 минг сўм, жами ер майдони учун 745980,3 минг сўм кўрсатилади.

Ҳисоб-китоб шаклининг 040-сатри – Ягона ер солиғи учун белгиланган ставка 6 фоиз қўйилади.

050-сатр – Солиқ даври учун тўланадиган солиқ суммаси, шу жумладан, тўлаш муддатлари бўйича: (5-устун 030-сатр х 040-сатр) х 1000 (745980,3*6%) 44758818 сўм қуйилади.

0501-сатр – 1 июлгача (20%) 8951763,6 сўм;

0502-сатр – 1 сентябргача (30%) 13427645,4 сўм;

0503-сатр – 1 декабргача (солиқнинг қолган миқдори) 22379409 сўм.